

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЖИЕВА ГУЛЧЕҲРА САЛИМОВНА

САНЪАТГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА
МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ (ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ
МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФРАТИ

Бухоро – 2023

УЎК: 81'373.46[=512.133=133.1]:7

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) degree in Philology

Ҳожиёва Гулчехра Салимовна

Санъатга оид терминларнинг лексик-семантик ва миллий-маданий таҳлили
(француз ва ўзбек тиллари мисолида).....5

Ҳожиёва Гулчехра Салимовна

Лексико-семантический и национально-культурный анализ художественных терминов (на примере французского и узбекского языков)..... 23

Khojievа Gulchehra Salimovna

The Lexico-Semantic and National-Cultural Analysis of Art Terms (in the example of the French and Uzbek languages) 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲОЖИЕВА ГУЛЧЕҲРА САЛИМОВНА

САНЪАТГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА
МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ (ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ
МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.4.PhD/Fil1613 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Насиров Абдурахим Абдимуталипович филология фанлари доктори, доцент Қиличев Байрамали Эргашович филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «23» январь соат 09⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (229 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2023 йил «05» январь кuni тарқатилди.
(2023 йил «05» январь даги 23-03- рақамли реестр баённомаси).



Handwritten signature in blue ink.

Д.С.Ўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

З.И.Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори, доцент

Д.З.Ражабов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис ўринбосари, филология фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида илм-фан тараққиёти туфайли юзага келган ва турли соҳавий контекстларда ўзининг лексик-семантик, коммуникатив-функционал табиатига эга бўлган лисоний бирликлар – терминларга, уларга алоқадор лексикографик қонуниятларга эътибор терминология доирасидаги тадқиқотлар кўламини кенгайтирди. Бу ўз навбатида ноқардош тиллар кесимида терминларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш, уларни она тилимиз билан қиёсий-чоғиштириш, ҳар бир тил назарий асосларини такомиллаштириш, янги тушунча, термин ва категорияларнинг ўзига хос қирраларини далиллаш, уларнинг матнро динамик хусусиятларини интеграл ёндашув асосида аниқлаш соҳа терминлари моҳиятидаги ички қарама-қаршилиқни, инсон мантиғи ва тафаккури билан боғлиқ лисоний концептуаллаштириш ҳодисасини назарий баҳолаш имкониятини яратади.

Дунё терминшунослигида француз санъатига оид терминларини тартибга солиш, муайян контекстда аниқ тушунчанинг вербал рамзи сифатида намоён бўлишига доир тадқиқотлар бир тил доирасида амалга ошириб келинмоқда. Мазкур терминларнинг коммуникатив жараёнларда ўсиб бораётган роли, ясаиш механизмлари борасидаги билимларнинг мужмаллиги уларнинг лексикографик, лексик-семантик, миллий-маданий тадқиқи ва таҳлили каби устувор вазифа ижросини тақозо этади. Бу, ўз навбатида, терминларга хос бўлган бирламчи номинациялаш тамойилларини кузатишга, уларнинг мотивацион характерини таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқишга, ғайрилисоний омилларнинг термин лисоний шакли ва лексикографик тақдимотиға таъсирини замонавий лингвистик онг доирасида асослашга хизмат қилади.

«Айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Натижада ҳаётимизга четдан кўплаб янги тушунча, сўз ва иборалар кириб келмоқда. Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил кўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди»¹. Дарҳақиқат, халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир. Бу борада француз ва ўзбек тилларида санъатга оид терминларнинг лексик-семантик ва миллий-маданий жиҳатларини асослаш лексикография, лексикология ҳамда терминология соҳаларини бойитиши билан бирга тиллараро онг ва тафаккур ифодаси, руҳий-маънавий боғлиқлик, нутқ равонлиги ва мазмундорлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи //Халқ сўзи, 2019 йил, 22 октябрь.

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 2 февралдаги ПҚ-112-сон «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда термин ҳамда терминологиянинг ўрганилиши ва тадқиқи борасида муҳим илмий-назарий қарашларни илгари сурган жаҳон ва ўзбек олимлари Ж.К.Сейжер, О.Вюстер, А.Рей, А.Д.Хаютин, Р.Теммермен, М.Т.Кастельви, С.Д.Шелов, Б.А.Райзберг, Д.С.Лотте, М.Клод Лом, В.М.Лейчик, О.С.Ахманова, А.А.Реформатский, В.В.Виноградов, Г.О.Виннокур, С.И.Омарова, М.А.Паржева, Ю.Н.Марчук, К.Жерард, Ғ.М.Исмаилов, А.Ҳожиев, И.Мирзаев кабиларнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга молик².

²Sager J.C. A Practical Course in Terminology Processing. – Amsterdam: John Benjamins Publishing Company, 1990. – P.262.; Eugen Wüster. Introducción a la teoría general de la terminología y a la lexicografía terminológica. Universitat Pompeu Fabra. – Barcelona, 1998. 227 p.; Alain Rey, vocabuliste français, textes réunis et présentés par François Gaudin. – Limoges, «Lambert-Lucas», 2011. – P.58; Хаютин А.Д. Термин, терминология, номенклатура. – Самарканд, 1971 [обл. 1972]. – С.129.; Temmerman R. Towards new ways of terminology description. The sociocognitive approach. – John Benjamins Publishing Company, 2000. – P.258. Maria Teresa Cabré Castellvi. La terminologie. Théorie, méthode et applications. – Paris, Armand Colin, 1998. – P.322.; Шелов С.Д. Ещё раз об определении понятия «термин». Вестник. – Новосибирск., 2010. – С.795–799; Райзберг Б.А. Современный социоэкономический словарь. – Москва, ИНФРА-М, 2021. – С.629.; Лотте Д.С. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминологических элементов. – Москва, «Наука», 1982. – С.149.; Marie Claude l’Homme. La terminologie. Principes et techniques. – Presses de l’université de Montréal, 2004. – P.278.; Лейчик В.М. Теоретические и прикладные проблемы унификации терминов на современном этапе. Научно-техническая терминология. – Москва, 2002. – С.44-46; Ахманова О.С. Терминология лингвистическая. Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва, 1990. – С.509; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – Москва, «Просвещение», 1967. – С.69.; Виноградов В.В. Грамматическое учение о слове. – Москва, 1938. – С.87.; Виннокур Г.О. Введение в изучение филологических наук. – Москва, 2000. – С.102.; Омарова С.И. Проблемы терминологии в дагестанских языках (лингвистическая терминология). Автореф. дисс. док. филол. наук. – Москва, 1998. – С.48.; Паржиева М.А. Особенности функционирования лингвистических терминов в профессиональной речи. – Ставрополь, 2005. – С.28.; Марчук Ю.Н. Компьютерная лингвистика. – Москва, Восток-Запад, 2007. – С.317; Cornu, Gérard. Linguistique juridique, – Paris, «Montchrestien», 1990. – P.19.; Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши. Филол. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2011. – Б.14.; Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. – Тошкент, «Фан», 1996. – Б.46.; Мирзаев И.К. Проблемы лингвопозитической интерпретации стихотворного текста. Дисс. док. филол. наук. – Тошкент, 2002. – С.472.

Шунингдек, В.Д.Швайко, И.Оверана, П.Форжет, П.Г.Нуров, Ў.Қ.Юсупов, О.С.Аҳмедов, П.П.Нишонов, Д.И.Ходжаева, Н.Б.Кулдшова³ каби олимлар томонидан қиёсий-чоғиштирма терминшуносликнинг назарий асослари далилланган, терминосфера ва унинг турли хусусиятлари ҳақида луғатлар, монографик асарлар ҳамда диссертациялар чоп этирилган.

Санъатга доир терминология йўналишида яъни, тасвирий санъат, меъморчилик ва амалий безак санъатларининг тарихий шаклланиши ҳамда ўзига хос жиҳатлари хусусида Б.де Фукольт, Э.Вилайлек, К.де Вероник, А.Домингюэ, С.Сигнорини, Ж.Шабриэ, Р.лэ Муанг, Гай Рондо каби хорижий олимлар, шунингдек, Н.Абдуллаев⁴, К.Ғуломов⁵, Г.С.Тошниёзова⁶, И.Х.Пардаева⁷, О.М.Пулатова⁸, Бинафша Нодир⁹ сингари олимларнинг ишларида ушбу терминология умумий планда тадқиқ қилинган.

Тилшуносликда терминологик масалаларга оид кўпгина изланишлар олиб борилган бўлса-да, ўз ечимини кутаётган жуда кўплаб муаммолар, жумладан, француз ва ўзбек тиллари санъат терминосистемасини лексик-семантик ҳамда лингвомаданий аспектда тадқиқ қилиш масаласи долзарблик касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университетининг 2021-2024 йилларга мўлжалланган «Хорижий тил таълимини оптималлаштириш муаммоси» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади француз ва ўзбек тилларида санъатга доир терминосфераларнинг лексик-семантик, миллий-маданий нуқтаи назардан хусусиятларини очиб бериш билан бирга икки ноқардош тил доирасида уларнинг муштарак ва дифференциал белгиларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«терминология» ва «термин» назариялари ҳақида билдирилган жаҳон тилшунослигидаги фикр-мулоҳазаларга муносабат билдириш;

қиёсланаётган тиллар доирасида санъатга оид терминларни ўрганиш ва уларни лексик-семантик, миллий-маданий хусусиятларини очиб бериш;

³ Швайко В.Д. Лингвостилистические особенности фразеологических единиц, образованных от сверсловных спортивных терминов и профессионализмов (на материале современного английского языка). Дисс. канд. филол. наук. – Москва, 1984. – С.290.; Auverana Iliana et Patrick Forget. La normalisation en common law en français au Canada: Une étude de cas. – Paris, 2010. – P.52.; Нуров П.Г. Таджикская научно-техническая терминология. – Душанбе, «Дониш», 2009. – С.182; Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Тошкент, «Фан», 2007. – С.123.; Аҳмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Филол. фан. док. дисс. – Тошкент, 2016. – Б.56.; Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол. фан. ном. дисс. автореф. – Т., 2009. – Б.10.; Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида). Филол. фан. фал. док. дисс. автореф. – Бухоро, 2018. – Б.19.; Кулдашова Н.Б. Француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятлари. Филол. фан. фалс док. дисс. автореф. – Бухоро, 2020. – Б.52.

⁴Абдуллаев Н. Санъат тарихи. – Тошкент (1987, 272), 2001. – Б.192.

⁵Ғуломов К. Амалий санъат. – Тошкент, 2007. – Б.88.

⁶ Тошниёзова Г.С. Ўзбек тилидаги рассомлик атамалари тадқиқи. – Тошкент, «Наврўз», 2015. – Б.8.

⁷ Пардаева З. Ўзбек тилининг заргарлик терминологияси. Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, – Б.199.

⁸ Пулатова О.М. Истоки формирования и дальнейшего развития терминологии танцевального искусства узбекского языка. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Тошкент, 1992.

⁹Бинафша Нодир. Тасвирий ва амалий санъат атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент, «Санъат», 2001.

француз ва ўзбек тилларида санъат терминосистемасининг ифодаланиши, уни турли семантик категория билан уйғунлашувини ёритиш;

санъат терминларининг лисоний бирликлар билан содда ва кўшма гапларда ифодаланишининг синтактик хусусиятларини аниқлаш;

француз ва ўзбек тилларида санъатга оид терминларнинг лексик, семантик, миллий-маданий, концептуал, фрейм хусусиятлари, «*доира*», «*қайроқ*», «*най*», «*карнай*», «*сурнай*», «*дотор*», «*рубоб*», «*девон*», «*муйқалам*», «*лазги*», «*муножот*», «*мақом*», «*суханронлик*» «*violon*», «*tchagne*», «*tambourin*», «*outillage*», «*allemande*», «*flageolet*» «*artiste*», «*bel-étage*», «*parterre*», «*miniature*» каби лингвокультуремалар воситасида асослаш;

ҳар иккала тил коммуникатив жараёнида воқеланадиган санъат терминлари *заргар*, *зардўз*, *каштадўз*, *куллол*, *бахши*, *созанда*, *чолғусоз*, *ногорачи*, *доторчи*, *раққоса*, *рассом*, *arrangeur*, *ensemble*, *romaniste*, *accordéoniste*, *accompagnement*, *miniaturiste*, *belles-lettres* сингари когнитив ва лисоний тафаккур хусусиятлари негизида содир бўлишини мисоллар ёрдамида таҳлил қилиш;

икки ноқардош тил жиҳати фрейм, слот, скрипт каби концептуал белгиларда акс этишини қардош бўлмаган тилларда фреймларнинг ядро ва периферия каби семантик гуруҳларга ажратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида француз ва ўзбек тилларидаги санъат терминосистемасига тегишли лисоний бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини француз ва ўзбек тилларидаги санъат терминларининг лексик-семантик, миллий-маданий хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лексикографик, лексик-семантик, морфо-семантик, лингвокультурологик, қиёсий-чоғиштира, концептуал-когнитив, фрейм, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

француз ва ўзбек тилларидаги санъатга доир терминларнинг лексик-семантик хусусиятлари ва миллий-маданий моҳияти ҳар иккала халқнинг тил ва нутқ маданияти, миллий менталитети, дунёқараши ва руҳияти, эътиқодий тушунчалари, ўзига хос урф-одат ва маросимлари, поэтик тафаккури каби омиллар интеграцияси негизида шаклланганлиги исботланган;

қиёсланаётган тиллардаги санъат терминосистемасининг дериватив характери терминологик бирликнинг матн ривожидоирасида вербаллашув ва матн ҳосил қилиш қонуниятлари билан белгиланиши, мазкур жараён натижаси сифатида терминнинг бирламчи маҳсулот эканлиги аниқланган;

икки ноқардош тиллардаги санъатга оид терминларнинг миллий-лисоний, когнитив-семантик хусусиятлари фрейм, гештальт, слот, скрипт каби концептуал белгилар «*доира*», «*қайроқ*», «*най*», «*девон*», «*муйқалам*», «*лазги*», «*муножот*», «*мақом*», «*суханронлик*» «*violon*», «*tchagne*», «*tambourin*», «*miniature*», «*pièce*», «*rôle*» каби лингвокультуремалар воситасида намоён бўлиши асосланган;

ҳар иккала тил коммуникатив жараёнида воқеланадиган *заргар*, *зардўз*, *каштадўз*, *куллол*, *бахши*, *чолғусоз*, *раққоса*, *рассом* ҳамда *arrangeur*, *ensemble*,

romaniste, miniaturiste, belles-lettres сингари санъат терминларининг когнитив ва лингвомаданий жиҳатлари генетик-культурологик, ижтимоий-тарихий ва лисоний-маданий омиллар таъсирида шаклланганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

француз ва ўзбек санъат терминологиясининг шаклланиши, юзага келиш омиллари, тараққиёт босқичлари таркиби аниқланиб, терминология тизимидаги семантик муштарак ва фарқли жиҳатлари асосан ўзлашма қатламни ташкил қилиши далилланган;

санъат терминларининг грамматик-услубий хусусиятлари, прагмасемантик белгилари асосида «Французча-ўзбекча, ўзбекча-французча изоҳли луғат» яратилган;

санъат терминосфераси, унга дахлдор категорияларнинг лингвомаданий мазмун-моҳияти ҳамда лексик-семантик хусусиятлари француз ва ўзбек тилларида ядро ва периферияни ташкил қилувчи фреймларнинг семантик уйғунлигини тавсифлашга хизмат қилиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг лексик-семантик, миллий-маданий, статистик, концептуал, фрейм, чоғиштира таҳлил усуллари орқали асосланганлиги, санъат терминларига хос специфик белгиларни далиллашда илмий-бадий манбаларга таянилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тилшуносликнинг энг долзарб, серқирра йўналиши – терминологияда француз ва ўзбек тилларидаги санъат терминларини тизимлаш ва тавсифлаш, лексик-семантик ва миллий-маданий хусусиятларини ёритиш, турли тизимли тилларда санъат терминосферасини антропоцентрик парадигма доирасида ўрганиш жараёнида илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти француз ва ўзбек тилларида санъат терминларининг миллий-маданий жиҳатларига комплекс ёндашиш, когнитив таҳлил қилиш орқали олинган хулосалардан ҳар иккала тилда «Лексикология», «Таржима назарияси ва амалиёти», «Амалий грамматика» каби фанлардан ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишда, французча-ўзбекча санъат терминлари луғатини тузишда, изоҳли ва энциклопедик луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Француз ҳамда ўзбек тиллари санъатга оид терминларининг лексик-семантик ва миллий-маданий хусусиятларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

француз ва ўзбек тилларидаги санъатга доир терминларнинг лексик-семантик хусусиятлари ва миллий-маданий моҳияти ҳар иккала халқнинг тил ва нутқ маданияти, миллий менталитети, дунёқараши ва руҳияти, эътиқодий тушунчалари, ўзига хос урф-одат ва маросимлари, поэтик тафаккури каби омиллар интеграцияси негизида шаклланганлиги билан боғлиқ илмий хулосалардан Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида

2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимнинг 2022 йил 12 сентябрдаги 17.01/165-сон маълумотномаси). Натижада қиёсланаётган тиллардаги санъатга оид терминларнинг миллий-маданий хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларни таржима қилиш муаммо ва ечимлари, уларга хос муштарак ва дифференциал белгиларни очиқ бериш имкониятлари кенгайган; икки ноқардош тиллардаги санъатга оид терминларнинг миллий-лисоний, когнитив-семантик хусусиятлари фрейм ва слот каби концептуал белгилар «доира», «қайроқ», «най», «карнай», «сурнай», «дупор», «рубоб», «девоң», «муйқалам», «лазги», «муножом», «мақом», «суҳанронлик» «violon», «tchagne», «tambourin», «outillage», «allemande», «flageolet» «artiste», «bel-étage», «parterre», «miniature» каби лингвокультуремалар воситасида намоён бўлишига доир хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Ўзбекистон-Франция дўстлик жамиятида 56-01/10 “Тарихий ёдгорликлар тарғиботида Ўзбекистон зиёратгоҳлари (беш тиллик) инновацион имкониятлари” дастури доирасида “Les lieux de pèlerinage de l’Ouzbékistan” каталогининг французча вариантини таржима қилишда инновацион лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон-Франция дўстлик жамиятининг 2022 йил 26 майдаги 090-сон маълумотномаси). Натижада диссертация материаллари ўзбек маданияти билан боғлиқ сўз ва ибораларни француз тилига таржима қилиш жараёнида дуч келинадиган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилган;

қиёсланаётган тиллардаги санъат терминосистемаси ясалиш жараёнининг дериватив характери терминологик бирликнинг матн ривожини доирасида вербаллашуви ва матн ҳосил қилиш қонуниятлари билан белгиланиши, мазкур жараён натижаси сифатида терминнинг бирламчи маҳсулот эканлиги билан боғлиқ натижалардан Бухоро вилояти «Истиқлол» телеканалида «Мулоқот» телекўрсатувининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган («Истиқлол-ТВ» масъулияти чекланган жамиятининг 2021 йил 2 июндаги 1108-сон маълумотномаси). Натижада давлатлараро ва халқаро санъат алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, таълим, маданият ва санъат соҳаларига доир ва оммавий дастурларни тайёрлашда манба сифатида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 37 та, жумладан, 12 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш, жумладан, 1 та луғат, 1 та услубий қўлланма ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, улардан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 147 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «*Санъатга доир терминосферанинг илмий-назарий асослари*» деб номланган бўлиб, уч фаслдан таркиб топган. Мазкур биринчи бобда «терминология» ва «термин» тушунчаларининг изоҳи ва уларнинг назарий талқини, «санъат» термини, тарихи ва турлари, санъатнинг ривожланишида тил, нутқ ҳамда маданиятнинг ўрни борасидаги фикр-мулоҳазалар, дунё тилшунослигида мавжуд бўлган илмий-назарий қарашлар умумлаштирилган ва уларга муносабат билдирилган.

Замонавий тилшуносликда терминология ҳамда термин ҳақида, янги терминларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ҳаётга татбиқ қилинишидаги тўсиқлар, ясашиш прициплари ва усуллари хусусида турфа фикр-ғоялар, нуқтаи назарлар кўзга ташланади, шунингдек, терминология ҳамда термин тўғрисида фанда турлича таърифлар мавжуд. Жумладан, «Терминология (лотинча *terminus* – чегара + юнонча *logos* – фан, таълимот) бир неча маъноларини ўзида акс эттиради. Фан, техника, касб-хунарнинг бир соҳасида қўлланиладиган терминлар мажмуи, тилшуносликнинг терминларни ўрганиш, тартибга солиш билан шуғулланувчи соҳаси»¹⁰ ҳисобланади.

Мазкур терминология концепти тўғрисида машҳур швейцар тилшунос олими Фердинанд де Соссюрнинг фикрига кўра таъриф келтирадиган бўлсак, «Барча лингвистик концепциялар табиатнинг белгиларини ва тилнинг тизимли хусусиятларини асослайди, асосий ғояларидан бири сўзлашув ҳамда тилнинг нутқий фаолиятдаги фарқлари саналади, қолаверса, терминология ўзига хос илмий фан бўлиб, у тилшунослик, билимлар назарияси ва мантиқдан келиб чиқади»¹¹. Терминлар мажмуи терминология аталиб, ҳар бир соҳага доир касбий билимларни ифодаловчи тушунчалар асосида шаклланади.

Ростислав Коцоурек: «Терминология – «терминлар тўплами» деб атайди. Тилшунослар А.Рей ва С.Делесалле назарий қарашига кўра: «Терминология маълум соҳалар бўйича тўпланган билим объектларининг жамланмасини англатади, яъни, махсус луғатларни лексикографик жиҳатдан фарқлайди ва концептуаллаштиради». «Тилшуносликка янги терминнинг кириб келиши

¹⁰Ўзбек тилининг изоҳли луғати. IV жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», – Тошкент, 2008. – Б.74.

¹¹ Бушуй Т.А., Сафаров Ш.С. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси илмий нашр.– Тошкент, «Фан», 2007. – Б.191.

янги имкониятларни очибгина қолмай, ўзига хос қийинчиликларни ҳам пайдо қилади»¹². Қолаверса, тилдаги сўз бойлигини ўрганмай туриб, халқнинг ўзлигини ифодаловчи бой маънавий мероси ҳамда тарихини мукамал билиб бўлмайди. Зеро, ҳар бир ўрганилган тил инсонга янги ҳаёт бағишлайди. Ушбу ғояни француз адиби Вольтернинг «Кўп тилни билиш – битта кулфга тушадиган бир нечта калитга эга бўлиш демакдир»¹³ дея билдирган фикрлари ҳам тасдиқлайди. Француз тили луғатида «Терминология – ҳар бир муаллифнинг ўзи яратадиган ўзига хос тилдир»¹⁴, дея таъриф келтирилган.

Терминологиянинг янада мукамал шаклланиши яна бир муҳим қадам – изоҳли луғатларнинг пайдо бўлиши, ҳамда уларнинг барча жабҳаларни қамраб олишига сабаб бўлади, айниқса, бу борада мусиқа ва санъат соҳалари доирасидаги изланишларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Назаримизда, терминлар тилнинг шакл ва мазмун чегараларини, полисемия ва вариативлик қонуниятлари лексикасида кечаётган инновацион жараёнларни, турли соҳалар кесимида морфологик, структур, деривацион қонуниятларни, функционал, концептуал тамойилларни, фразеологик, дискурсив, қиёсий-типологик, лексик-семантик, миллий-маданий статистик жиҳатларни, прагматик, лингвостилистик, лексикографик масалаларни, тавсифий-таснифий, универсал, дифференциал белгиларни муфассал ўрганишда ҳамда кенг таҳлил этишда хизмат қилади.

Айтиш жоизки, «санъат» бутун маданият тарихи давомида жиддий баҳсларга сабаб бўладиган ҳаётни инсон орзу қилган томонга ўзгартира олади ва унга гўзаллик, эстетик завқ-шавқ бахш этади.

Тадқиқотнинг иккинчи «**Француз ва ўзбек тилларида санъатга оид терминларнинг лексик-семантик хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида француз тилидан ўзбек тилига кириб келган сўзлар, француз ва ўзбек тилларида санъат терминларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, санъат терминларининг лексик-семантик ҳамда миллий-маданий ифодаланилиши, санъатга доир терминосистемасининг лексик бирликлари замонавий педагогик технологиялари классификацияси орқали лингвистик таҳлили кузатилади.

Мусиқа санъатига доир кўплаб атамалар асл француз тилидан кириб келганлиги кузатилди. *Flageolet* (флажолет) атамаси кичик флейта бўлиб биринчи маъносида пуфлама мусиқа чолғу асбоби, бўйламасига чалинадиган юқори регистрли флейта. Француз тилига оид термин *accordéon* (аккордеон) – 1) чап қўл томонда тайёр аккордлари бўлган тилчали мусиқа асбоби. Артист француз тилидан олинган *artiste* лексемасидан атама шаклига кирган. Белетаж француз тилидан кириб келган санъат термини, *belle* – чиройли, *étage* – қават маъносида одатда, амфитеатр билан партер устига куриладиган, ўриндиқлар қўйилган айлана пешайвон назарда тутилади. Партер атамаси ҳам француз

¹²Жўраева М.М. Француз ва ўзбек эртакларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Тошкент, 2017. – Б.62.

¹³ Тафаккур гулшани. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б.159.

¹⁴ Littré E. Dictionnaire de la langue française. Tom 3. – Paris, Hachette, 1876. – P.350.

тилига доир лексемадан *parterre* – ер бўйлаб мазмунига мос равишда санъатда термин сифатига кирган. Репертуар атамаси француз тилидан олинган *répertoire* – рўйхат, изоҳлаш, драма театри, мусиқали театр, эстрада концерти ёки айрим артист томонидан ижро этиладиган аниқлаш, тўлдириш мақсадида киритилган изоҳ ва мулоҳазалар саналади. Этюд француз тили ифодаси *étude* – машқ, ўрганиш мазмунида қўлланилади. Гравюра француз тилига тегишли *gravure* лексемаси – ўйиш, бирор қаттиқ металл, ёғоч юзасига ўйиб тасвир ишлаш санъати, графика туридир. Муляж француз тилидаги *mouler* сўздан қолипламоқ, куймоқ – бирор-бир гипс, мумдан олинган нусха: одатда бўялган, асосан, кўргазмали курол вазифасида хизмат қилади¹⁵. Натюрморт француз тилидаги *nature morte* – жонсиз табиат – тасвирий санъат жанри. Портрет француз тилидаги *portrait* – тасвир, тасвирий санъат жанри. Пейзаж француз тилида *paysage*: мамлакат, жой – *pays* ҳамда – *age* қўшимча бирикишидаги ифода. У рассомлик рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик релефда табиатни акс эттирувчи жанрдир. Яна бир адабий термин миниатюра – *miniature* француз тилидан олинган атама (*fém*) (адабиёт, театр, эстрада, циркда)¹⁶ – кичик ҳажмли бадиий асар, жанр. Шунингдек, ўзбек ва француз тилларида санъатга оид терминларнинг лексик-семантик ва миллий-маданий хусусиятларини таҳлил этиш баробарида аниқланган бир неча ўзига хосликлар аниқланди, уларни қуйидаги жадвалларда кўриш мумкин:

жадвал-1

№	ўзбек тилида	француз тилида
1.	асбоб	1) <i>instrument m</i> ; 2) <i>outil m</i> ; 3) <i>ustensile m</i> ; 4) <i>matériel m</i> ; 5) <i>outillage m</i> ; 6) <i>installation f</i> ; 7) <i>objet m</i> ;
2.	асбоб-ускуна	1) <i>outillage m</i> ; 2) <i>installation f</i> ; 3) <i>équipement m</i> ; 4) <i>appareillage m</i> ;
3.	ашё	1) <i>objet m</i> ; 2) <i>chose f</i> ; 3) <i>ustensile m</i> ; 4) <i>affaire f</i> ; 5) <i>effet m</i> ; 6) <i>matière f</i> .

Юқоридаги 1-жадвалда берилган мисолларда ўзбек тилидаги «асбоб», «асбоб-ускуна» ва «ашё» сўзлари француз тилида маъно жиҳатдан ўзаро синоним бўлиб келмоқда. Чунки, 1- ва 3- мисоллардаги «*ustensile*», «*objet*» ҳамда 1- ва 2- мисоллардаги «*installation*», «*outillage*» сўзлари бир маънони ифодаламоқда. Бундан келиб чиқадикки, ҳар иккала тилда бир маънони бир неча усулда ифодалаш мумкин: чолғу асбоблари – *instruments de musique*; мусиқий асбоб-ускуналар – *équipement musical*; мусиқий ашёлар – *ustensiles musicaux* ва ҳ.к.

Маълумки, содда сўзларга бир ўзакдан иборат сўзлар, қўшма сўзга эса, икки ва ундан ортиқ сўз – ўзакдан ташкил топган сўз бирликлари тегишлидир. Санъат терминларининг шакл хусусиятларини ўрганиш жараёнида уларни сўз ва бирикма шаклидаги атамалар кўринишида ҳам таҳлил этилди. Сўз шаклидаги санъат атамалари: 1) содда сўз шаклидаги атамалар; 2) қўшма сўз шаклидаги атамалар.

¹⁵ Сайфуллаев Б.С. Маданият ва санъат атамалари қомусий луғати. – Тошкент, 2014. – Б.107.

¹⁶ Сайфуллаев Б.С. Маданият ва санъат атамалари қомусий луғати. – Тошкент, 2014. – Б.99.

Ҳар қандай ясама сўз икки қисмдан – сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчи қисмдан иборат бўлиб, бу каби махсус бирликлар ёрдамида ясалган сўзларнинг маъноси унинг қисмлари маъносидан юзага келади, яъни, унинг маъносини қисмлари маъноси билан асослаш мумкин бўлади: *дуторчи* – дутор чалувчи (созанда). Шунга кўра ўзбек ва француз тилидаги ясама содда сўзларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

жадвал-2

№	ўзбек тилида	француз тилида	ясалиш йўли
1.	<i>ҳайкалтарош</i>	<i>sculpteur</i>	<i>ҳайкал+тарош, sculpter+teur</i>
2.	<i>қўғирчоқбоз</i>	<i>marionnettiste</i>	<i>қўғирчоқ+боз, marionnette+iste</i>
3.	<i>дуторчи</i>	<i>doutariste</i>	<i>дутор+чи, doutar+iste</i>
4.	<i>гармончи</i>	<i>accordéoniste</i>	<i>гармон+чи, accordéon+iste</i>
5.	<i>муסיқашунос</i>	<i>musicien,ienne</i>	<i>муסיқа+шунос, musique+ien,ienne</i>

2-жадвалда берилган мисолларда ўзбек тилидаги санъат терминлари ҳам, уларнинг француз тилидаги эквивалентлари ҳам ясама содда сўзлар орқали, яъни «асос+ясовчи қўшимча» шаклида ифодаланган. Француз тилидаги «marionnettiste» термини ясалиши жараёнида ўзакдаги «е» ҳарфи ўзидан кейин унли билан бошланган «-iste» сўз ясовчи қўшимчасининг келиши натижасида тушиб қолаганини кўриш мумкин, ўзбек тилидаги «ҳайкалтарош», «қўғирчоқбоз», «дуторчи», «гармончи» ва «муסיқашунос» атамалари «от+ясовчи қўшимча» тарзида, шунингдек, француз тилига хос «doutariste», «marionnettiste», «accordéoniste», «musicien», «musicienne» терминлари ҳам «от+ясовчи қўшимча» формуласи асосида, «sculpteur» атамаси эса, «фёъл+ясовчи қўшимча» тарзида ифодаланиб, мазкур ҳолатда I гуруҳ фёълларига тегишли «sculpter»- «йўниб ҳайкал ясамоқ» фёлидаги ноаниқ шаклни ифодаловчи «-er» қўшимчаси тушириб қолдирилгани ва «-teur» суффикси воситасида янги санъат термини ясалганини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга мазкур бобда ўзбек ва француз тилларидаги санъатга доир сўзларнинг лексик-семантик ҳамда миллий-маданий ифодаланилиши таҳлил қилинди. Масалан, *Бахши* термини *санскрит* тилидан келиб чиққан бўлиб (*бликшу* – будда руҳонийси, донишманди; дуохон; дарвеш), тилда лексик-семантик меъёрга кўра бир неча таърифларга эга, *Лапар* – тўй ва йиғинларда, халқ сайилларида йигитлар билан қизлар орасида тарафма-тараф бўлиб айтиладиган терма қўшиқ, *Ўлан* (ёки *ўланг*) – халқ оғзаки ижодиёти номоддий маданий мерос дурдоналаридан, *Қарсак* – ўзбек халқ муסיқа ва рақслари туркуми сифатида «Беш қарсак» ва «Майда қарсак» бўлимларидан иборат. *Кашта* термини *форсча* экилган, уруғ қадалган, ишлов берилган маъноларини англатиб, лексик-семантик жиҳатдан қуйидаги хусусиятларни ўзида акс эттиради: игна билан тикиб туширилган гул, расм, чизиқ бўлиб, у қўлда ёки машинада, асосан, мато ёки чармга тикилади. *Каштали*, *каштадўз*, *каштадўзлик*, *каштачилик*, *кашта буюмлари* (*палак*, *сўзана*, *чойшаб*, *гулкўрна*, *кирпеч*, *дорпеч*, *зардевор*), *кийимлар* (*кўйлак*, *дўппи*, *нимча*, *пешонабанд*, *камар*) каби қатор терминлар яъни кашта тикиш касбига оид ва у амалий санъатнинг қадимги соҳаларидан бири бўлиб, турмушда кенг ишлатилади. «*Қайроқ*» сўзи санъат соҳасига оид термин сифатида Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган жисми садоланувчи (идиофон) энг қадимий муסיқа

асбоби, «ёр-ёр» этнографияга оид термин бўлиб, келин узатишда ижро этиладиган, ҳар байти «ёр-ёр» ибораси билан тугайдиган қўшиқ, *алла* – оналар томонидан ёш, гўдак болаларни ухлатишда яккахон усулидаги қўшиқ ва ҳ.к.

Тадқиқотнинг «*Қиёсланаётган тилларда санъатга доир терминосферанинг концептуал ва миллий-маданий таҳлили*» деб номланган учинчи бобида фразеологик бирликларда санъат терминларининг ифодаланиши, француз ва ўзбек тилларида санъат терминларининг «фрейм» таҳлили, қардош бўлмаган тилларда санъат терминосистемасининг миллий-маданий уйғунлашуви, француз ва ўзбек тилларида анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ терминларнинг миллий-маданий хусусиятлари таҳлил этилади.


Маълумки, фразеология термини грекча *phrasis* сўзидан олинган бўлиб, ибора, нутқ қурилмаси деган маънони англатади, фразеологик бирлик ва фразеология атамалари билан бир қаторда идиома ва идиоматика атамаси ҳам қўлланади. Француз фразеологиясида фразеологик бирлик атамаси ўрнига *locution, locution figée, expression idiomatique, idiotisme* каби атамалар ҳам кенг тарзда қўлланади. Шунингдек, *locution phraséologique* атамаси ҳам мавжуд бўлиб, у француз фразеологиясига Ш.Балли томонидан киритилган, шу билан бирга, икки тилда ҳам қатор санъатга доир терминларнинг ФБ лар билан ифодаланганлигини кузатиш мумкин. Масалан, *ноғора* атамаси билан боғлиқ бўлган ибораларни ҳам халқ фолклор адабиётида учратамиз, у араб тилидан ўзлашган сўз бўлиб, зарб берувчи мазмунига эга, урма мусиқа чолғу асбобидир. Қадимдан ҳарбий, жарчи ҳамда оммавий маросим чолғу асбоби сифатида Шарқ мамлакатларида маълум бўлган. Ҳозирда ўзбек, тожик, уйғур, арман халқ созандалари томонидан қўлланилади. Тилимизда ноғора(си)га ўйнамоқ яъни кимнингдир изми билан иш кўрмоқ, вариант сифатида ноғора(си)га ўйнатмоқ, чилдирма(си)га ўйнамоқ. «Хм, ўшаларнинг ноғорасига ўйнайман дегин...» (Ш. Рашидов, Бўрондан кучли).

Когнитив тилшуносликда «концепт», «фрейм», «сценарий», «скрипт», «гештальт», «прототип» каби тушунчалар инсоннинг ташқи оламини идрок этиш амалиёти ва тажрибасини акс эттирувчи билим тузилмасидир¹⁷, тил ва онг муносабатини янгича таҳлил қилиш жиҳатидан эътиборни ўзига тортади.

«Broder» фреймини тилшуносликнинг когнитив нуқтаи назардан таҳлил қилмоқчи бўлсак, бунда, аввало, ««концепт» атамаси «тушунча», «маъно», «мазмун» каби бошқа ментал ҳодисалар билан ёнма-ён турадики, айти пайтда уларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш, фарқли белгиларини ажратиш муаммоси ҳам пайдо бўлади»¹⁸. «Broder» терминининг фрейм структурасини аниқлаб, фарқли белгиларини ажратиб, «broder» фреймини берувчи лексик-грамматик маъноларни ифодаловчи лисоний бирликларнинг семантик майдонини ҳосил қиламиз ҳамда ушбу майдонда «broder» терминини ядро ва периферия семантик гуруҳларига бўлинишини француз ва ўзбек тилидаги мисоллар таҳлилида кўриб чиқилди:

¹⁷ Жўраева М. Француз ва ўзбек эртакларида модаллик категорияларининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. ЎзФА «Фан», 2016. – Б.104.

¹⁸Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, «Сангзор», 2006. – Б.33-48.




Ушбу мисолда *broder* сўзи фрейм сифатида ифодаланса, унинг ядро ва периферияси доирасида ясалган сўз ва ибораларнинг лексик-семантик хусусиятларини кўйидагича кузатиш мумкин. *Ядро*-*noveau* - brodeur (фeъл+от ясовчи кўшимча), brodeuse (фeъл+от ясовчи кўшимча), *периферия* – *périphérie*, broderie (фeъл+от ясовчи кўшимча), fil à broder (от+предлог+фeъл), métier à broder (от+ предлог+фeъл), broder sur un thème (фeъл +предлог+артикуль+от), broderie blanche (фeъл +от ясовчи кўшимча+сифат), broderie d'art (фeъл +от ясовчи кўшимча+предлог+от), faire de la broderie (фeъл +предлог+артикуль+фeъл +от ясовчи кўшимча), broderie sur métier (фeъл +от ясовчи кўшимча +предлог+от), orner de broderies (фeъл +предлог+фeъл +от ясовчи кўшимча), broderie musicale (фeъл +от ясовчи кўшимча +от+сифат ясовчи кўшимча), machine à broder (от+предлог+фeъл), parterre de broderie (от+предлог+предлог+фeъл +от ясовчи кўшимча), personne qui fait de la broderie (от+сўроқ олмоши+ фeъл кесим+ предлог+артикуль+фeъл +от ясовчи кўшимча), raconter sa vie en brodant un peu (фeъл+эгалик олмоши+от+равишдош+артикуль+равиш), exagérer sa vie en brodant un peu (фeъл+эгалик олмоши+от+равишдош+артикуль+равиш), commerce de produits brodés au trait (от+предлог+от+сифат+артикуль (à+le)+от), broder son récit pour se faire remarquer (фeъл+эгалик олмоши+от+предлог+олмошли фeъл+фeъл).

Адабиёт ва тарихий фактларга суянган ҳолда, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзининг бекиёс номоддий бойликларига эга бўлиб, шу жумладан, ўзбек рақс санъатининг ҳам илдизлари жуда узок даврларга бориб тақалишини таъкидлаш жоиз. Мисол ўрнида лазгининг ХХ - асрнинг ўрталаригача бўлган даврда фақат мусиқа чолғулари жўрлигида ижро этилган 8 тури («Масхарабоз», «Қайроқ», «Сурнай», «Дутор», «Сарой-базм», «Гармон», «Чангак», «Хива» (лаган билан ўйналадиган) мавжуд бўлган. Ҳозирда Қўшқўпир тумани Оқдарбанд қишлоғи аҳолисининг «Чангак» лазгиси, Хива шаҳрининг «Хива (чанок) лазгиси», Шовот тумани Монақ қишлоғининг «Масхарабоз лазгиси» билан танилган Хоразм вилояти; аёлларининг тиззага ўтириб, ўрнидан турмасдан гавдани ҳар томонга букиб, елкаларни силкитиб,

қўлларнинг эпчил ва чакқон ҳаракатлари воситасида ижро этиладиган рақси «замин бози» (ер рақси) ва рақсларнинг энг мураккаб тури бўлиб, бунда раққосалар турли тақинчоқлар билан безанган ҳолда яланг оёқ рақсга тушадиган – «ларзон» (қўл кафтларини силкитиш) рақслари билан машҳур Бухоро; «тўлқама», «тебранма», «ирчитма», «ғажир кўнди», «қанот», «мўралаш», «мулойим», «шилшила», «силтама», «учирма» сингари номлари билан аталадиган рақс ҳаракатлари оммавий ва якка рақсларни саҳналаштиришда жуда қўл келадиган Сурхандарё; қадимдан «Катта ўйин» ва «Кичик ўйин» турларига бўлинган, «Катта ўйин»и 280 дан ортиқ доира усулларига мос ҳаракатлардан ташкил топиб, асосан катта майдонларда ижро этилса, «Кичик ўйин»и хонадонларда ижро этилган Фарғона; рақс услубида «Тановар» (Тановар (*форсча* – жасур, қудратли, кучли) – «*тан*» – яъни жисм, «*овар*» – завқ олиб келиш)лар муҳим ўрин тутган, Фарғона – Тошкент сингари 5 та рақс мактаби мавжуд эканлигини таъкидлаш ўринлидир¹⁹.


Мазкур термин воситасида ясалган «раққос» (*арабча* – ўйинга, рақсга тушувчи) – *рақсга тушувчи санъаткор эркак; ўйинчи*, «раққоса» (*арабча* – ўйинга тушувчи аёл; балерина) – *раққос аёл*, «раққослик» – *рақс тушиши санъати* сингари тил бирликларини тилшуносликда «фрейм» методи асосида лексик-семантик таҳлилга тортилди. Шу билан бирга, ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган санъат терминлари статистик таҳлил қилиниб, фоизларда уларнинг статистикаси бериб ўтилди: 14% араб тили, 25% форс тили, 40% француз тили, 6% лотин тили, 2% немис тили, 0,3% санскрит тили, 0,3% испан тили, 4% италян тили, 8% рус тили, 0,3% уйғур тили.

Қуйидаги 2-расмда туб сўз бўлган «рақс» термини *ядро* вазифасини бажариб, ушбу термин *1-периферия*да у билан боғлиқ нисбатан фаол тил бирликларини жамлаган ва улар лексик-семантик нуқтаи назардан кучли гуруҳни ташкил этади.



¹⁹Ўзбекистон номоддий маданий мероси. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси. – Тошкент, 2017. – Б.82-93.

2-периферияда акс эттирилган сўз ва сўз бирикмаларнинг қўлланилиш доираси тилда иккиламчи аҳамият касб этгани боис уларга кучсиз гуруҳ сифатида қаралади. Жумладан, «раққос» ва «раққоса» терминлари «раққос аёл» ёки «рақсга тушувчи санъаткор эркак»га нисбатан, «рақс санъати» сўз бирикмаси «рақс тушиш санъати»га қараганда тилда фаол иштирок этиши фикримизни исботлайди. Худди шундай хусусият «ўйнамоқ» термини воситасида ясалган «ноғорасига ўйнамоқ» ҳамда «чилдирмасига ўйнамоқ» фразеологизмлари орасида ҳам кўзга ташланади, яъни, мазкур ўринда «ноғорасига ўйнамоқ» иборасига оғзаки ва ёзма нутқда кўпроқ мурожаат этилганлигини юқоридаги берилган мисолда кўриш мумкин.



3-расмда француз тилидаги туб сўз – «danse» термини ядро вазифасини бажариб келган ва ушбу терминнинг у билан боғлиқ нисбатан фаол тил бирликларини жамлаган 1-перифериясини лексик-семантик жиҳатдан кучли ҳисобланган гуруҳ ташкил этади. Мазкур ўринда ҳам, 2-периферияда акс эттирилган тил бирликлари қўлланилиш доирасига кўра тилда иккиламчи аҳамият касб этгани боис улар кучсиз гуруҳ бўлиб ҳисобланади. Жумладан, «danser sur la scène» (саҳнада рақсга тушмоқ) термини «évoluer sur la scène» (саҳнага мослашмоқ, ўйнамоқ) ёки «interpréter une composition chorégraphique» (саҳнада хореографик чиқиш қилмоқ) га нисбатан кўп қўлланиладиган, «danser à la perfection» (аъло даражада рақсга тушмоқ) сўз бирикмаси «pirouettes de danseur» (раққоснинг айланиб, чарх уриб ўйнаши) га қараганда тилда фаол иштирок этишини кўриш мумкин.

